

**Умумий ўрта таълим муассасаларида
педагогик синфларни ташкил этиш ва
битирувчилари бандлигини таъминлаш
тартиби бўйича
услубий қўлланма**

Умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик синфларни ташкил этиш ва битирувчилари бандлигини таъминлаш тартиби бўйича услубий қўлланма.

Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025. – 15 бет.

Мазкур услубий қўлланма умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик синфларни ташкил этиш ва битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

Умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик синфларни
ташкил этиш ва битирувчилари бандлигини таъминлаш
тартиби бўйича услубий қўлланманинг

МУНДАРИЖАСИ

Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.....	4
Умумий қоидалар.....	5
<i>Умумий ўрта таълимнинг мақсади ва вазифалари.....</i>	<i>7</i>
<i>Умумий ўрта таълимни бошқариш.....</i>	<i>8</i>
<i>Педагогик синфларни ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари.....</i>	<i>10</i>
<i>Педагогик синфларда таълим мазмуни.....</i>	<i>11</i>
<i>Ўқувчиларни касбий таъхислаш ва педагогика соҳасига йўналтириш.....</i>	<i>12</i>
<i>Педагогик синфларда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш.....</i>	<i>13</i>
<i>Илова.....</i>	<i>15</i>

Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



Вазирлар Маҳкамасининг 29.04.2024 йилдаги «Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчиларини педагог касбига мақсадли тайёрлаш ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 242-сон қарори



Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни



Вазирлар Маҳкамасининг 15.03.2017 йилдаги «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сон қарори



УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 79-модда

Ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишини таъминлайди. Умумий ўрта таълим умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Шунингдек, ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-хунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.



Таълим — таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён;

Таълим соҳасидаги асосий принциплар:

- ✚ Таълим соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:
- ✚ таълим устуворлигининг тан олиниши;
- ✚ таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги;
- ✚ таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги;
- ✚ таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши;
- ✚ таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги;
- ✚ таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти;
- ✚ таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- ✚ ўн бир йиллик таълимнинг ҳамда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлашнинг мажбурийлиги;
- ✚ давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- ✚ ўқув дастурларини танлашга доир ёндашувнинг ягоналиги ва табақалаштирилганлиги;
- ✚ инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши;
- ✚ жамиятда педагогларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг кафолатланганлиги;
- ✚ таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эгалиги;
- ✚ билимлилик, қобилиятлилик ва истеъдоднинг рағбатлантирилиши;
- ✚ таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги;
- ✚ таълим фаолияти соҳасидаги очиқлик ва шаффофлик.

Умумий ўрта таълимнинг мақсади ва вазифалари

- ✓ Давлат таълим стандартларига мувофиқ ҳар бир шахснинг *таълим ва тарбия олишдаги конституциявий ҳуқуқини* рўёбга чиқариш умумий ўрта таълимнинг мақсади ҳисобланади.
- ✓ Умумий ўрта таълим ўқувчиларга билимларнинг зарур ҳажмини беради, *мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба* кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Умумий ўрта таълимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ❖ ўқувчилар томонидан мунтазам билимлар олинишини таъминлаш, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантириш, базавий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни шакллантириш;
- ❖ ўқувчиларда миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз Ватанига ва халқига содиқ фуқарони шакллантириш;
- ❖ таълимнинг узлуксизлигини ва изчиллигини, умумтаълим муассасалари ўқув дастурларининг ўрта махсус, бошланғич профессионал таълим муассасалари ўқув дастурлари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- ❖ таълим-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий ва инновацион педагогик услубларини ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали таълим сифатини ошириш;
- ❖ ўқувчиларнинг индивидуал ижобий хусусиятларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг юксак даражада таълим-тарбия олишлари, ижодий имкониятларини шакллантириш ва ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб бериш;
- ❖ профессионал ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш, шунингдек ўқувчиларни юқори малака талаб этмайдиган касбларга тайёрлаш.

Умумий ўрта таълимни бошқариш

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги **умумий ўрта таълимни бошқариш бўйича** махсус ваколат берилган орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, **халқ таълими бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ташкил этади.**

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармаси бошлиқлари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари бир вақтнинг ўзида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг **таълим ва тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳисобланади.**



Вазирлик ва идоралар тизимидаги умумтаълим муассасалари уларни **жойлаштириш учун тегишли бино, моддий-техник база (мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт анжомлари ва бошқалар)** ҳамда малакали раҳбар ходимлар ва педагоглар мавжуд бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимидаги умумтаълим муассасалари минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлиги таъминланган ҳолда, уларни **жойлаштириш учун тегишли бино, моддий-техник база (мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт анжомлари ва бошқалар)** ҳамда малакали раҳбар ходимлар ва педагоглар мавжуд бўлганда, тегишлича вилоят ёки туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Умумтаълим муассасасига бевосита раҳбарлик тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишилган ҳолда ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан **тайинланган директор томонидан амалга оширилади.**

Нодавлат таълим ташкилотларидаги ҳамда идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча давлат умумтаълим муассасаларидаги **ўқув-тарбия жараёнига услубий раҳбарлик** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва халқ таълими бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги **таълим муассасалари бундан мустасно.**

Умумтаълим муассасаларида **педагогик кенгашлар** тузилади. Умумтаълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида **кузатув кенгашлари** тузилиши мумкин. **Педагогик ва кузатув кенгашларининг фаолияти** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тартибга солинади.

Умумтаълим муассасасининг раҳбар ва педагог ходимларини **аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш** тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Педагогик синфларни ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари

Ўқувчиларда бошланғич педагогик-психологик билим ва кўникмаларни шакллантириш, педагог касбини онгли танлаш учун шароит яратиш, педагог касбига қизиқишни ошириш ва унинг мақомини жамиятдаги ўрни тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш педагогик синфларни ташкил этишнинг мақсади ҳисобланади.

Педагогик синфларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- + педагогика олий таълим муассасалари ёки профессионал таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш истагида бўлган ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш;
- + ўқувчилар томонидан бошланғич педагогик-психологик билим ва кўникмалар ўзлаштирилишини таъминлаш;
- + ўқувчиларда педагогик фаолият тўғрисида яхлит тасаввурларни шакллантириш, педагог касбини онгли англаш ва бу касбга ўзининг келажагини боғлаш бўйича методик ёндашувларни амалга ошириш.



Педагогик синфларда таълим мазмуни

Педагогик синфларда ўқув жараёни 10-11-синфларда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- а) ўқишнинг биринчи йили (10-синф)да:
 - ✚ ўқувчиларда педагог касбининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тасаввурлар кенгайтирилади;
 - ✚ педагог касбининг қадриятлари, педагогнинг нутқ маданияти, замонавий педагог фаолиятига қўйиладиган талаблар, унинг имижини ва одоб-ахлоқини тўғрисида тушунчалар берилади;
 - ✚ тарбиячининг касбий сифатлари, замонавий тарбиячининг маънавий қиёфаси, ёрдамчи тарбиячининг касбий тайёргарлиги ҳақида билимлар берилади;
- б) ўқишнинг иккинчи йили (11-синф)да:
 - ✚ ўқувчиларнинг педагогика, психология, ўқув ишлари методологияси соҳасидаги бошланғич билимлари ривожлантирилади ва чуқурлаштирилади;
 - ✚ педагогика фани ва амалиётининг замонавий тенденциялари, таълим стратегиялари ва моделлари ўргатилади;
 - ✚ педагог фаолиятида ноанъанавий методларнинг аҳамияти, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ва технологиялаштириш ўргатилади;
 - ✚ тарбиячининг болаларни тарбиялашдаги шахслараро муносабат маданияти, шахснинг руҳий (психик) хусусиятлари, тарбиячининг хулқ-атворини белгиловчи психологик хусусиятлари, тарбиячининг педагогик қобилияти тушунчалари ва кўникмалари ўргатилади;
 - ✚ ўқувчиларга индивидуал психологик маслаҳат бериш орқали психологик ва педагогик қўллаб-қувватлаш ташкил этилади;
 - ✚ ўқувчиларнинг танишув амалиётлари ташкил этилади.

Педагогик синфларда дарс жараёнлари интерфаол маъруза, амалий масалаларга бағишланган семинар-тренинг, маҳорат сабоқлари, кичик гуруҳларда ишлаш, мактабнинг тажрибали ўқитувчиларига «устоз-шогирд» тамойили асосида бириктириш, дарсдан ташқари машғулотлар каби шаклларда ўтказилади.

Ўқувчиларни касбий ташхислаш ва педагогика соҳасига йўналтириш

Мақтаб ва педагогика олий таълим муассасалари томонидан ўқувчиларнинг педагог касбига мойиллиги ўрганилади ҳамда уларни педагог касбига йўналтиришда қуйидагилар амалга оширилади:

- ❖ педагогик синфлар ташкил этиладиган мактабларда 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқишлари ва касбий лаёқатини аниқлаш бўйича **сўровномалар ўтказиб борилади**;
- ❖ педагогика соҳасига қизиқиши бор 8-9-синф ўқувчилари учун педагогика олий таълим муассасаларига **экскурсиялар** ташкил этилиб, **маҳорат дарслари ўтказилади**;
- ❖ педагогика соҳасида ва ўқитувчилик касбида муваффақиятга эришган, эл ардоғидаги инсонлар билан «Касбим-фаҳрим», «Биринчи ўқитувчим», «Устоз отангдек улуғ» мавзуларида **даврас**
- ❖ 9-синф ўқувчиларининг касбий мойиллиги бўйича ўтказилган **психологик ташхислар, сўровнома ва тестлар натижалари асосида педагог касбига қизиқиши бор ўқувчилар** аниқланиб, педагогик синфларда ўқишга йўналтирилади.

т
л
а
р
и



Сўровнома ва ташхис тест топшириқлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқувчиларни **касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази томонидан тайёрланади.**

э
т
и
л

Педагогик синфларда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиши

10-синфдан педагогик синф фаолияти йўлга қўйилади ҳамда унга **25 нафардан кўп бўлмаган** ўқувчилар қабул қилинади. Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, қўшимча педагогик синфлар ташкил этилиши мумкин.

Педагогик синфлардаги ўқувчиларга **икки ўқув йили давомида жами 136 соатлик** педагогик касби билан боғлиқ ўқув дастури асосида таълим берилади. Ўқув жараёни билан боғлиқ бошқа масалалар таянч ўқув режаси ва дастурига мувофиқ белгиланади.

Педагогик синфларда дарс ўтиш учун жалб этилган профессор-ўқитувчиларга мактаб таянч ўқув режасининг касбга таълим йўналишидаги соат ҳисобидан **соатбай ҳақ тўланади**.

Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги вақт меъёрларига амал қилинади:

- ✓ ўқув йилининг давомийлиги — 34 ҳафта;
- ✓ дарс машғулотининг давомийлиги — 45 дақиқа;
- ✓ дарс машғулотлари оралиғидаги танаффуснинг давомийлиги — 5 — 10 дақиқа.

Ўқувчиларнинг педагог касбига оид билим ва кўникмаларини аниқлаш ва назорат қилиш мақсадида қуйидаги назорат турлари амалга оширилади:

- ✚ **жорий назорат** — чорак давомида тақдимот, лойиҳалаштириш, гуруҳларда ишлаш, савол-жавоб, муҳокама, ёзма иш кўринишида амалга оширилади;
- ✚ **оралиқ назорат** — чорак ва ярим йиллик якуни бўйича ўқув дастурининг маълум бир мантиқий якунланган қисми тугаганидан сўнг амалий кўникмаларни тақдимот қилиш ёки ёзма иш кўринишида амалга оширилади;
- ✚ **босқичли назорат** — ўқув йили якуни бўйича амалий имтиҳон, ёзма иш, лойиҳалар ва ишланмаларни тақдимот қилиш ҳамда тест синовлари кўринишида амалга оширилиб, унга асосан ўқувчининг якуний баҳоси аниқланади;

✚ **якуний назорат** — ўқувчи педагогик касбий таълим бериш жараёни тугаганидан сўнг педагогик синфда эгаллаган билим ва кўникмаларни амалий намойиш этиш орқали якуний давлат аттестациясидан ўтказилади.

Педагогик синфни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга ушбу қўлланмадаги **1-иловага** мувофиқ намунадаги Ўзбекистон Республикаси Миллий малакалар рамакисининг 2-даражасидаги сертификат **«kasb.maktab.uz»** платформаси орқали электрон шаклда берилади.

Сертификатга эга бўлган педагогик синф битирувчилари мактабгача таълим ташкилотларида **тарбиячи ёрдамчиси** лавозимида ишлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Якуний назоратдан ўта олмаган ўқувчилар учун қайта якуний назорат **жорий йил август ойида** ташкил этилади. Қайта якуний назоратдан ўта олмаган ўқувчиларга қўшимча имконият ва сертификат берилмайди.

Педагогик синф фаолияти устидан умумий назорат **мактаб директори ва педагогика олий таълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича проректори** томонидан амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим муассасасида педагогик синфларни
тамомлаганлик тўғрисидаги сертификатнинг
ДАВЛАТ НАМУНАСИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

REPUBLIC OF UZBEKISTAN



S E R T I F I K A T
C E R T I F I C A T E
S № 00000000

(familiyasi, ismi, otasining ismi / surname, given name(s), patronymic)

20 __ -20 __ -o'quv yili davomida /during the academic year
____ viloyati _____ tumani (shahar)dagi ____ - son maktabda pedagogik sinfni
(ta'lim muassasasi / educational organization)

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tarbiyachi yordamchisi

kasbi bo'yicha o'quv soatlarini tamomlab, ixtisoslik berildi / having completed training hours

by profession, he/she was awarded a specialty

Direktor / Director

(familiyasi, ismi, otasining ismi / surname, given name(s), patronymic)



Berilgan sana / Date of issue
